

Ishonch

2019 йил 16 апрель • сешанба • № 50 (4179)

Ўзбекистон қасаба уюшмалари Федерацияси нашри • Газета 1991 йил 21 мартдан чиқа бошлаган • www.ishonch.uz • e-mail: xatlar@ishonch-doverie.uz

ҚОЗОҒИСТОН – ЯҚИН ҚЎШНИМИЗ, ИШОНЧЛИ ҲАМКОРИМИЗ ВА ҚАЛИН ШЕРИГИМИЗ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг таклифига биноан Қозоғистон Республикаси Президенти Қосим-Жомарт Тоқаев 14-15 апрель кунлари давлат ташрифи билан мамлакатимизда бўлди.

Ўзбекистон мустақилликнинг илк кунларидан Марказий Осиё мамлакатлари, жумладан, Қозоғистон билан ўзаро ишонч ва яхши қўшничиликка асосланган муносабатларни ривожлантириш йўлидан борди. Халқларимиз нафақат яқин қўшни, балки қардош сифатида кўп қиррали ҳамкорликнинг барча масалалари бўйича азалдан бир-бирларини тушуниб, қўллаб-қувватлаб келган. Ўтган йиллар давомида бу алоқалар янада мустақамланди, мамлакатларимиз яхши қўшни ва ўзаро манфаатли ҳамкор сифатида тараққиёт йўлидан елкама-елка бормоқда.

Давлатларимиз ўртасида стратегик шерикликни мустақамлашда Ўзбекистон Президенти Шавкат Мирзиёев ва Қозоғистоннинг Биринчи Президенти – Элбоши Нурсултон Назарбоевнинг ҳиссаси бекиёс.

Президентимизнинг очиқ ва прагматик сиёсати, хорижий давлатлар, аввало, қўшни мамлакатлар билан дўстона ва ўзаро манфаатли муносабатларни ривожлантириш бора-борида ташаббуслари натижада Ўзбекистон – Қозоғистон ҳамкорлиги янги босқичга кўтарилди.

Президентимизнинг 2017 йил 22-23 март кунлари Қозоғистонга давлат ташрифи мамлакатларимиз муносабатлари ривожда тарихий даврни бошлаб берди. Ўша йили 16-17 сентябрь кунлари Қозоғистон Республикаси Биринчи Президенти Нурсултон Назарбоевнинг мамлакатимизга давлат ташрифи олий даражадаги мулоқотларнинг изчил давоми бўлди.

Ўтган қисқа вақтда икки томонлама алоқаларда илгари

кузатилмаган юқори натижаларга эришилди. Икки давлат раҳбарларининг мунтазам учрашув ва мулоқотлари мамлакатларимиз ўртасидаги алоқаларни янада мустақамлади.

Қозоғистон Республикаси Президенти Қосим-Жомарт Тоқаевнинг мазкур давлат ташрифи мамлакатларимиз ўртасидаги дўстлик, яхши қўшничилик ва стратегик шериклик муносабатларини янада кенгайтиришда навбатдаги қадам сифатида икки томон учун бирдек манфаатлидир.

Ташрифининг асосий тадбирлари 15 апрель куни бўлиб ўтди.

Кўксарой қароргоҳида Қозоғистон Республикаси Президенти расмий кутиб олиш маросими бўлди.

Шундан сўнг Шавкат Мирзиёев ва Қосим-Жомарт Тоқаев тор доирада учрашув ўтказди.

Президентимиз Қозоғистон Президенти Ўзбекистонга ташрифи билан қўллаб, мазкур ташриф икки давлат ўртасидаги мулоқотларнинг мантқиқий давоми эканини таъкидлади.

Сизнинг Қозоғистон Республикаси Президенти сифатида Ўзбекистонга илк давлат ташрифи билан келганингизни жуда юксак қадрлаймиз. Биз бунини икки томонлама стратегик шериклик муносабатларининг яна бир асоси деб биламиз. Қозоғистон бизнинг яқин қўшимиз, ишончли ҳамкоримиз ва қалин шеригимиздир. Биз ҳеч қачон бир-биримиздан ажралмаймиз, деди Шавкат Мирзиёев.

Қозоғистон Президенти таклиф учун давлатимиз раҳбарига миннатдорлик изҳор қилиб, музокаралар самарали ўтишига ишонч билдирди.

2 >

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ШАВКАТ МИРЗИЁЕВНИНГ ЎЗБЕКИСТОНДА ҚОЗОҒИСТОН ЙИЛИНИНГ ТАНТАНАЛИ ОЧИЛИШ МАРОСИМИДАГИ НУТҚИ

Хурматли Қосим-Жомарт Кемелевич! Хонимлар ва жаноблар! Ассалому алайкум, азиз меҳмонлар!

Сиз, азизларни меҳмондўст Ўзбекистон заминидан яна бир бор қўтлаймиз. Бутун Ўзбекистон халқи номидан биродар Қозоғистон Республикаси Президенти Қосим-Жомарт Кемелевич Тоқаевни мамлакатимизга илк бор давлат ташрифи муносабати билан чуқур мамнуният изҳор этишга рухсат бергайсиз.

Хурматли Қосим-Жомарт Кемелевич! Азиз дўстлар! Хонимлар ва жаноблар! Бугун сизларни Ўзбекистонда Қозоғистон йилининг тантанали очилиш маросимида қутлашдан мамнунман.

Қозоғистон Республикасининг Биринчи Президенти, Элбоши, оғам, муҳтарам Нурсултон Абишевич

Назарбоевнинг 2017 йил сентябрь ойда мамлакатимизга давлат ташрифи чоғида биз ўтган йили Қозоғистонда Ўзбекистон йилини, бу йил эса юртимизда Қозоғистон йилини ўтказишга келишиб олган эдик.

Фурсатдан фойдаланиб, кўпмиллатли Ўзбекистон халқи номидан Нурсултон Абишевич мамлакатларимиз ўртасидаги дўстлик, яхши қўшничилик ва шериклик муносабатларини мустақамлашга қўшган бекиёс ҳиссаси, шунингдек, мамлакатимизда ўтказилган ажойиб, ёрқин ва унутилмас Ўзбекистон йили тадбирлари учун самимий миннатдорлик изҳор қилмоқчиман.

Бугун муҳтарам Қосим-Жомарт Кемелевич билан биргаликда Ўзбекистонда Қозоғистон йилининг очилиши мамлакатларимиз ўртасида стратегик шериклик муносабатлари жадал ривож

ланиб, ўзаро ишонч ва қўллаб-қувватлаш, биродарлик ришталари узвий мустақамланиб бораётганидан далолатдир.

Бу муҳим воқелик, шунингдек, халқларимиз ўртасидаги азалий ва самимий дўстлик, маданий ва маънавий яқдиллик рамзидир.

Қозоғистоннинг Абай Қўнонбоев, Мухтор Авезов, Ахмет Байтурсунов, Илёс Есенберлин, Ўлжас Сулаймонов ва бошқа кўлаб атоқли маданият намояндалари тинчлик ва згуликни асраш, халқларимизга хос юксак инсоний фазилатларни тараннун этган.

Ўзининг жўшқин асарлари билан улар ушбу згу қадриятларни ҳозирги авлодга етказиш, мамлакатларимиз, халқларимиз ўртасидаги анъанавий дўстлик ва яхши қўшничилик муносабатларини кенгайтиришга улкан ҳисса қўшган.

2 >

ҚОЗОҒИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ҚОСИМ-ЖОМАРТ ТОҚАЕВНИНГ ЎЗБЕКИСТОНДА ҚОЗОҒИСТОН ЙИЛИ ОЧИЛИШИГА БАҒИШЛАНГАН МАРОСИМДАГИ НУТҚИ

Ассалому алейкум, Хурматли ва азиз ўзбек қардошлар!

Аса қўрметти, Шавкат Миромонович, жеке Ўзингизге және Ўзбекистан халқына жылы шыраймен қарсы алып, қонақжайлық көрсеткендеріңіз үшін зор алғыс айтамын.

«Қазақ пен өзбектің базары да бір, мазары да бір» деп бабаларымыз берекер айтпаган.

Екі халықтың тілі де, діні де, тағдыры да, тарихы да біртұтас.

Халқларимиз Марказий Осиёдаги қўна ва буюк тамаддун ворисларидир.

Биз қўлаб муҳим синовларни биргаликда енгиб, аждоқларимиз анъаналари, қадриятлари ва маданий-маънавий меросини сақлаб қолдик.

Қозоғистон билан Ўзбекистон ўртасидаги стратегик шериклик ва самарали ҳамкорлик ушбу

тарихий дўстликнинг мантқиқий давомидир.

Кейинги йилларда қардош ва дўст мамлакатларимизнинг сиёсий, иқтисодий, гуманитар алоқалари янада юксак босқичга кўтарилди.

Чегарадош ҳудудлар ҳамкорлиги мустақамланиб бормоқда, товар айирбошлаш ҳажми муттасил ортмоқда.

Шуни қатъий ишонч билан таъкидлашим мумкин, бугунги кунда Қозоғистон – Ўзбекистон муносабатларида муаммоли масалалар мавжуд эмас. Ақсинча, дўстлик ва ҳамкорликни мустақамлашга ўзаро интилиш мавжуд.

Қозоқ халқи азалдан қардошлик ва дўстлик ришталарига содиқ, яхши қўшничиликни қадрлайди.

Биз доимо ўзбекларни ўзимизга қон-у қардош билганмиз ва шундай хи-

соблашда давом этамиз. Ўзбек халқи ҳам бизга нисбатан шундай илиқ туйғулар туюётгани бизга яхши маълум.

Қардош халқларимизни ягона тақдир ва умумий келажак боғлаб туради.

Биз асарлари Ўзбекистонда диққат билан ўрганиладиган аждоқимиз Хўжа Аҳмад Яссавий билан фахрланамиз.

Қозоқ ҳуқуқи ижодкорлари – икки буюк бий – Тўлебий ва Ойтекебий Ўзбекистонда мангу қўним топган.

Биз Тошкентга алоҳида илиқ муносабатдамыз, зеро атоқли қозоқ зиялиларининг ҳаёти ва фаолияти шу шаҳар билан боғланган.

Қозоқ маданиятини қўллаб-қувватлаётгани учун Ўзбекистон раҳбариятидан миннатдормыз.

2 >

ЎЗБЕКИСТОНДА ҚОЗОҒИСТОН ЙИЛИ ОЧИЛДИ

у қардошлик ва яхши қўшничилик муносабатларини янада мустақамлашга хизмат қилади

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев ва Қозоғистон Республикасининг Биринчи Президенти Нурсултон Назарбоев 2017 йилда олий даражадаги мулоқотлар сўнгига 2018 йилда Қозоғистонда Ўзбекистон йили ва 2019 йилда Ўзбекистонда Қозоғистон йилини ўтказишга келишиб олган эди.

Бу халқларимиз ўртасидаги ҳамкорлик тарихида ноёб воқеа сифатида қардошлик муносабатларини янги босқичга олиб чиқишда муҳим аҳамият касб этмоқда.

2 >



Халқаро қасаба уюшмалари конфедерацияси кенгашида Муҳокама мавзуси:

ДАВРНИНГ ДОЛЗАРБ МУАММОЛАРИ

2019 йилнинг 12 апрель куни Москва шаҳридаги Меҳнат саройида Халқаро қасаба уюшмалари конфедерациясининг йиғилиши бўлиб ўтди.

Уни ХКУК раҳбари, Россия мустақил қасаба уюшмалари Федерацияси раиси Михаил Шмаков олиб борди.

Йиғилишда 2018 йил декабрь ойда конфедерация аъзоларига кирган Ўзбекистон қасаба уюшмалари Федерацияси раиси Қудратилла Рафиков раҳбарлигидаги делегация иштирок этди.

Кенгаш Ўзбекистон қасаба уюшмалари Федерацияси раиси Қ.Рафиковнинг ХКУК Ижроия қўмитаси аъзолари ваколатини тасдиқлади.

Конфедерация комиссиялари ҳамда Ёшлар кенгаши таркибига тегишли ўзгаришлар киритилиб, улар Ўзбекистон қасаба уюшмалари Федерацияси вакиллари билан тўлдирилди.

Қайд этилганидек, турли қийинчилик ва глобал муаммоларга қарамадан минтақадаги давлатлар иқтисодиёти тараққиёт этмоқда. Бу ривожланиш асосан инновация ва рақамли иқтисодиётни

амалиётга татбиқ этишининг самарасидир. Бироқ иқтисодиётнинг реал секторига инновацияни кенг қўлашда татбиқ этиш жадаллашмаяпти. Юқори самарали иш ўринлари яратиш етарли даражада эмас, аҳолининг реал даромади, ишчи-ҳодимларнинг маоши ҳали ҳам пастлигича қолмоқда. Қатор давлатларда ностандарт бандлик кенгайиб, муддатли шартномалар қўлланилмоқда.

Кенгаш ХКУКга аъзо мамлакатларга учтомонлама комиссия доирасида инсон омиллини ривожлантирувчи, тараққиёт модели, муносиб меҳнат ва яратилган маҳсулотнинг адолатли тақсимланиши таъминловчи қатъийан ҳимоя қилишни тавсия этди.

Йиғилишда Ўзбекистон қасаба уюшмалари Федерацияси раиси Қудратилла Рафиков «Минтақа давлатларида бугунги куннинг ижтимоий-иқтисодий соҳадаги глобал муаммолари» мавзусида маъруза қилди.

Ўзбекистон қасаба уюшмалари Федерацияси раиси Қудратилла Рафиковнинг Халқаро қасаба уюшмалари конфедерацияси кенгаши йиғилишидаги нутқи

(Москва шаҳри, 2019 йил, 12 апрель)

Хурматли йиғилиш иштирокчилари!

Авалло, Халқаро қасаба уюшмалари конфедерацияси Ижроия қўмитаси раҳбариятини, аъзо мамлакатлардан ташриф буюрган ҳамкасбларимизни, йиғилиш меҳмонларини чин қалбдан қўлашга рухсат этгайсиз.

Шу кундан эътиборан Ўзбекистон қасаба уюшмалари Федерацияси Халқаро қасаба уюшмалари конфедерациясининг тенг ҳуқуқли аъзоси ҳисобланади.

Бизнинг, 22 йил ўтиб, Ижроия қўмитанинг ўтган йили декабрь ойда Тошкентда дўстона муҳитда бўлиб ўтган сайёр йиғилишида Халқаро қасаба уюшмалари конфедерацияси сафига қайтганимиздан бағоят хурсандмыз.

Меҳмондўст Москва заминига келиб, бу қароримизнинг тўғрилигига яна бир қарра ишонч ҳосил қилдик, мазкур нуфузли халқаро ташкилотга қўшилиш истагимиз ва унинг фаол аъзоси бўлишга қатъий қарор қилганимизни тасдиқлаймиз.

Хурматли дўстлар!

Ҳозирги мураккаб даврда, дунёда сиёсий ва ижтимоий-иқтисодий ҳолат кучайган шароитда қасаба уюшмаларининг асосий вазифаси бўлмиш меҳнаткашларнинг қонуний ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш бўйича қасаба уюшмалар сазъ-ҳаракатларини мувофиқлаштириш муҳим аҳамият касб этади.

3 >



ҚОЗОҒИСТОН – ЯҚИН ҚЎШНИМИЗ, ИШОНЧЛИ ҲАМКОРИМИЗ ВА ҚАЛИН ШЕРИГИМИЗ

«1 Халқларимизнинг тарихи, дини, тили бир, ўхшаш маданий қадриятларга эга. Сиз, хурматли Шавкат Миромонович ва Қозоғистоннинг Биринчи Президенти Нурсултон Назарбоев давлатлараро муносабатларни юқори босқичга олиб чиқдингиз. Бу суръатни сақлаб қолишни ўзимнинг асосий вазифам деб биламан. Қозоғистонда қардош Ўзбекистон билан алоқаларга талаб жуда катта, деди Қосим-Жомарт Тоқаев.

Бугунги кунда мамлакатларимиз ўртасидаги муносабатлар барча соҳаларда изчил тараққий этмоқда. 1998 йилда имзоланган Ўзбекистон Республикаси билан Қозоғистон Республикаси ўртасида Абдий дўстлик тўғрисидаги шартнома, 2013 йилда қабул қилинган Ўзбекистон Республикаси билан Қозоғистон Республикаси ўртасида Стратегия шериклик тўғрисидаги шартнома ўзаро ҳамкорликка мустақам асос бўлмоқда.

Ўзбекистон билан Қозоғистон БМТ, ШХТ, МДХ, ИХТ, Оролни кутқариш халқаро жамғармаси каби халқаро тузилмалар доирасида самарали ҳамкорлик қилиб келмоқда. Қозоғистон мамлакатимиз ташаббуси билан БМТ шафёвлигида ташкил этилган Оролбўйи минтақаси учун Инсон ҳавфсизлиги бўйича кўп томонлама шериклик асосидаги Траст фонди фаолиятини қўллаб-қувватлади.

Президентлик минтақавий ҳамкорликни мустақамлаш ва халқаро аҳамиятга молик муҳим масалалар юзасидан фикр алмашиш. Жумладан, даву ва кўп томонлама тузилмалар доирасида халқаро терроризм, диний экстремизм, наркотикларнинг ноқонуний муомалада бўлиши, трансмиллий уюшган жиноятчилик, ноқонуний миграция ва халқаро хавфсизликка таҳдид соладиган бошқа хавф-хатарларга қарши курашиш бўйича биргаликда чоралар кўришига келишиб олинди.

Давлат раҳбарлари Афғонистон иқтисодиётини қайта тиклаш ва ушбу мамлакат билан узоқ муддатли яхши қўшничилик алоқаларини ривожлантириш, жумладан, транспорт коммуникациялари, таълим ва соғлиқни сақлаш соҳаларида йирик лойиҳаларни амалга ошириш зарурлигини таъкидладилар.

Олий даражадаги музокаралар чоғида давлат раҳбарлари Ўзбекистон – Қозоғистон ҳамкорлигининг истиқболли йўналишлари, шунингдек, томонларни қизиқтирган минтақавий ва халқаро аҳамиятга молик долзарб масалаларни ҳам муҳокама қилдилар.

Ўзбекистон ва Қозоғистон расмий делегациялари иштирокидаги кенгайтирилган музокарада мамлакатларимиз ўртасидаги савдо-иқтисодий, инвестициявий ҳамкорликни янада ривожлантириш, транспорт-коммуникация, маданий-гуманитар ва бошқа соҳалардаги алоқаларни мустақамлаш масалаларига эътибор қаратилди.

Қозоғистон Ўзбекистоннинг энг муҳим савдо-иқтисодий шерикларидан биридир. Кейинги йилларда иқтисодиётнинг етакчи соҳа ва тармоқларида жадаллашган алоқалар тўғрисида ўзаро савдо ҳажми 2018 йилда қарийб 50 фоиз ўсиб, 3 миллиард доллардан ошди.

Томонлар яқин йилларда бу кўрсаткични 5 миллиард долларга етказишга интилишини таъкидлади. Ўзбекистон ва Қозоғистон ўртасида икки томонлама ҳамкорлик бўйича Ҳукуматлараро комиссияга савдо алоқалари номенклатурасини кенгайтириш, иқтисодий ҳамкорликнинг янги узоқ муддатли шакллари топиш ва ривожлантириш вазифаси қўйилди.

Бу ўзаро манфаатли иқтисодий ҳамкорликни мустақамлаш ва кенгайтиришга, савдо, инвестициялар, логистика соҳаларида янги истиқболли лойиҳаларни амалга ошириш, интеграциялашган sanoat технопарклари, илмий-инновацион кластерлар ва эркин иқтисодий зоналар ташкил этишга хизмат қилади.

Томонлар 2018 йил ноябрь ойида Чимкент шаҳрида ўтган биринчи Ўзбекистон – Қозоғистон ҳудудлараро ҳамкорлик форуми ва 2019 йил мартда Тошкент шаҳрида ўтган Марказий Осиё мамлакатларининг биринчи минтақавий иқтисодий форуми якуналарини ижобий баҳолади. Бугунги кунда юртимизда Қозоғистон

капитали иштирокидаги 336 та корхона ва 16 та компания ваколатхонаси, Қозоғистон ҳудудида Ўзбекистон ишбилармонлари билан ҳамкорликда ташкил этилган 199 та корхона фаолият кўрсатмоқда. Улар томонидан савдо, транспорт-логистика ва бошқа хизматлар кўрсатилиб, қурилиш материаллари ҳамда кенг турдаги халқ истеъмоли моллари ишлаб чиқарилмоқда.

Мамлакатларимиз автомобиль ва темир йўлларда юк ва йўловчи ташишда самарали ҳамкорлик қилиб келмоқда. Бу муҳим коммуникация тармоғи учинчи давлатлар учун ҳам транзит вазифасини ўтамоқда. Ўзбекистон ва Қозоғистон ҳудудларидан ташқи савдо юкларини ташишда ўзаро преференциялар ва қўшимча имтиёзлар жорий этилгани савдо ҳажмини сезиларли ошириш имконини бермоқда.

Давлат раҳбарлари Ўзбекистон – Қозоғистон давлат чегарасини демаркация қилиш, шунингдек, ўтказиш пунктларининг самарали фаолиятини таъминлаш жараёни муваффақиятли давом этаётгани, бу икки мамлакат чегарадош ҳудудлари аҳолисининг турмуш шароитини салмоқли даражада яхшилаш, транс-чегаравий иқтисодий алоқалар ва гуманитар алмашувларни жонлантириш, фуқароларнинг ўзаро ташрифларини фаоллаштиришга хизмат қилганини мамнуният билан қайд этилди.

Томонлар Оролни кутқариш халқаро жамғармаси доирасида минтақа давлатларининг халқаро ташкилотлар, молия ва экология институтлари билан Орол денгизи ҳавзасида муайян дастур ва лойиҳаларни амалга ошириш бўйича ўзаро ҳамкорликни кенгайтиришдан манфаатдор эканини таъкидлади.

Музокараларда транспорт, логистика, sanoat кооперацияси соҳаларида қўшма лойиҳаларни амалга ошириш бўйича келишувларга эришилди. Транспорт коммуникациялари соҳасидаги ҳамкорликни ривожлантириш, мамлакатларимизнинг экспорт салоҳияти ва транзит имкониятларини кенгайтириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар ишлаб чиқиш зарурлиги таъкидланди.

Икки томонлама ҳужжатларни имзолаш маросими бўлди. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев ва Қозоғистон Республикаси Президенти Қосим-Жомарт Тоқаев Қўшма баёнотни имзолادилар.

Икки мамлакат ўртасидаги ҳамкорликнинг турли соҳаларига оид 10 га яқин ҳужжат имзоланди. Солиқ резидентлигини таъкидловчи расмий ҳужжатларни тан олиш тартиби, Ўзбекистон ва Қозоғистонда фаолият юритаётган икки мамлакат фуқароларининг меҳнат ҳуқуқларини ҳимоя қилиш, ноқонуний миграцияга қарши курашиш тўғрисида битимлар, «Марказий Осиё» савдо-иқтисодий ҳамкорлик марказини ташкил этиш тўғрисида меморандум ва бошқа соҳаларга оид келишувлар шулар жумласидандир.

Шунингдек, Ташқи ишлар вазирликлари ўртасида 2019-2020 йилларга мўлжалланган ҳамкорлик дастури, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Дин ишлари бўйича қўмита билан Қозоғистон Республикаси Ахборот ва ижтимоий ривожланиш вазирлиги ўртасида ҳамкорлик тўғрисида меморандум қабул қилинди.

Оммавий ахборот воситалари вакиллари учун брифингга давлат раҳбарлари музокаралар анъанавий дўстлик, ўзаро хурмат, ишонч ва очкилик руҳида ўтганини, икки томонлама муносабатларнинг муҳим масалалари, ўзаро манфаатли минтақавий ва халқаро аҳамиятга молик долзарб муаммолар муҳокама қилинганини алоҳида таъкидладилар. Ташриф чоғида Ўзбекистон ва Қозоғистон Президентлари ўртасида эришилган келишувлар, имзоланган ҳужжатлар мамлакатларимиз ҳамкорлигини янги сифат босқичига олиб чиқиши қайд этилди.

Куннинг иккинчи ярмида Қозоғистон Республикаси Президенти Қосим-Жомарт Тоқаев Ўзбекистон Республикаси Бош вазири Абдулла Арипов ҳамроҳлигида Мустақиллик майдонига ташриф бурди. Олий мартабали меҳмон хурриятимиз, порлоқ истиқболимиз ва эзгу ниятларимиз раъзи бўлган Мустақиллик ва эзгулик монументига гул қўйди.

Матназар ЭЛМУРДОВ, ЎЗА муҳбири

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ШАВКАТ МИРЗИЁЕВНИНГ ЎЗБЕКИСТОНДА ҚОЗОҒИСТОН ЙИЛИНИНГ ТАНТАНАЛИ ОЧИЛИШ МАРОСИМИДАГИ НУТҚИ

«1 Шу муносабат билан мен ҳамкорлигимиз келажагига катта неқбинлик билан қарамқадман ва Ўзбекистондаги Қозоғистон йили тадбирлари ушбу кўп асрлик алоқаларни янада мустақамлашга ишончим комил.

Бугунги кунда Қозоғистон бутун дунёга давлат ва жамият қурилишининг барча соҳаларида, жумладан, замонавий рақобатбардош иқтисодиётни ривожлантириш, аҳоли турмуш даражаси ва сифатини изчил ошириш бўйича эришилган салмоқли муваффақиятларини намойён қилаётганини катта мамнуният билан таъкидламоқчиман.

Ишончим комилки, мамлакатимизда Қозоғистон йили тадбирлари нафақат ушбу йўналишдаги ишлар натижаларини намойиш қилиш имконини беради, балки мамлакатларимиз санъати, илм-фани, таълими, бизнеси вакиллари ўртасида ўзаро манфаатли алоқаларни кенгайтириш, билим ва ютуқларни алмашиш учун янги уфқлар очиб беради.

Буларнинг барчаси маданиятларни бойитиш, халқларимизни янада яқинлаштиришга хизмат қилиши шубҳасиз.

Юртимизда яқинда ўтказилган Халқаро бахшичилик санъати фестивалида қозоғистонлик Улжан Байбусинова Гран-прига сазовор бўлгани ҳам қувонарли ҳол.

Барча қозоғистонлик дўстларимизни самимий кутлайман!

Азиз дўстлар! Ўйлайманки, Ўзбекистонда Қозоғистон йили қардош мамлакат санъат усталарининг катта концерт дастури – кўпмиллатли Қозоғистоннинг ёрқин ва серқирра намойиши билан бошлангандир

рамзий маъно мужассам. Дарҳақиқат, шеърят, musiқа ва кўшиқ халқларнинг энг пок ва гўзал орзу-умидлари, эзгу интилишларини ифода этади.

Шу муносабат билан қозоғистонлик дўстларимиз, барча иштирокчиларга ушбу байрам концертини ташкил қилганликлари учун самимий миннатдорлик изҳор қилмоқчиман.

Хурматли дўстлар! Қозоқ халқ мақолида айтилганидек: «Туы-сы жа-қын – жа-қын емес, кўны-сы жа-қын – жа-қын».

Биз қардош Қозоғистон билан йўлга қўйилган дўстлик ва яхши қўшничилик ришталарини қадрлаймиз ва энг яқин қўшимиз билан мулоқот ҳамда кўп қиррали ҳамкорликни мустақамлашга интиламиз.

Биз бир-биримизга ҳаммаша елкадош бўлиб келганмиз, хавф-хатарларга қарши биргаликда курашганмиз, бугун эса умумий ёрқин келажимизни ҳам бирга қурмоқдамиз.

Ўйлайманки, улў бобокалонларимиз Алишер Навоий ва Абай Қўнонбоевларнинг муқаддас руҳи бизни бу йўлда қўллаб-қувватлайди.

Биз халқларимиз, фарзандларимиз ва набираларимиз тинчлиги ва фаровонлиги йўлида қўлимиздан келган барча ишларни қиламиз!

Хурматли Қосим-Жомарт Кемелевич! Муҳтарам қозоғистонлик дўстлар!

Бугунги кун ўзбек-қозоқ муносабатларида янги, тарихий сана сифатида халқларимиз ўртасидаги қардошлик алоқаларини ривожлантириш учун мустақам замин яратди, деб ишонаман.

Яна бир бор Ўзбекистонга хуш келибсиз! Эътиборингиз учун раҳмат!

ҚОЗОҒИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ҚОСИМ-ЖОМАРТ ТОҚАЕВНИНГ ЎЗБЕКИСТОНДА ҚОЗОҒИСТОН ЙИЛИ ОЧИЛИШИГА БАҒИШЛАНГАН МАРОСИМДАГИ НУТҚИ

«1 Шавкат Миромонович Мирзиёевнинг «Буюк қозоқ шоири ва мутафаккири Абай Қўнонбоев ижодий меросини кенг ўрганиш ва тарғиб қилиш тўғрисида»ги қарорида кўзда тутилган кенг қўламли чора-тадбирлар учун миннатдорлик билдираман.

Улуғ Абай биз, қозоқларни қардош ўзбек халқидан унинг эзгу фазилатлари, айниқса, камтарлик ва меҳнат-севарликни ўрганишга чақирган эди.

Қозоғистонда муқим яшаётган ўзбеклар ўз маънавий, ижтимоий эҳтиёжларини тўлиқ қондира олишлари учун барча ишларни қилмоқдамиз.

Мамлакатимизда деярли барча ҳудудларда очилган ўзбек этномаданият марказлари фаолият юритмоқда. Қозоғистонда ўзбек тили медиа соҳаси, таълим тизими, маданий ҳаётда қўлланилмоқда. Иккита ўзбек театри томошабинлар ўртасида муваффақият қозонган.

Мамлакатингизда доимий равишда яшаб келаётган қозоқларга кўрсатилаётган ғамхўрлик учун Ўзбекистон раҳбариятидан миннатдоримиз. Хурматли дўстлар! Бу ҳақиқатдан тарихий воқеалар гувоҳи ва иштирокчисимиз. Жаҳон сиёсий харитаси ўзгариб, унда давлатларимиз муносиб ўрин эгаллади.

Марказий Осиё минтақасининг муваффақиятли иқтисодий тараққиёти, барқарорлиги ва хавфсизлиги кўп жиҳатдан Қозоғистон билан Ўзбекистоннинг яқин ҳамкорлиги ва ўзаро мувофиқлашган саяҳат-ҳаракатлари га боғлиқ.

Қозоғистон Республикасининг Биринчи Президенти – Элбوشي Нурсултон Назарбоев ва муҳтарам Президент Шавкат Мирзиёевнинг саяҳат-ҳаракатлари тўғрисида Қозоғистон – Ўзбекистон муносабатлари ҳақиқий юксалиш даврини бошдан кечирмоқда. Қозоғистонда ўтган Ўзбекистон

йили яқин алоқаларимизни мустақамлашга хизмат қилди.

Унинг доирасида 200 дан зиёд қўшма тадбирлар ўтказилди, улар орасида Чимкентда бўлиб ўтган биринчи Ҳудудлараро форум алоҳида ўрин эгаллади.

Икки томонлама товар айлрибош-лашни 5 миллиард долларга етказишдан иборат мақсадимиз сари изчил ҳаракат қилмоқдамиз.

Ўзаро транспорт қатновини фаоллаштириш борасида иш олиб борилмоқда.

Мамлакатларимиз транзит-логистика инфратузилмасини ривожлантириш Европа ва Осиё бозорларига чиқиш учун катта имкониятлар яратмоқда.

Азиз ўзбекистонлик дўстлар! Ўзбекистонда Қозоғистон йили нафақат икки томонлама муносабатларимизда, балки бутун Марказий Осиёда ўзаро англашув ва ишонч муҳитини шакллантиришда муҳим аҳамият касб этувчи ўзига хос улкан воқеадир.

Мен мамлакатларимизнинг нафақат туркий, балки бутун жаҳон маданияти дурдонаси бўлган бош маънавий ва тарихий марказларини ўзаро боғлашни таклиф этаман.

Туркистон, Самарқанд ва Бухоро шаҳарларини бир йўналиш орқали туташтирган ҳолда туризм кластерини очиш мумкин, деб ҳисоблайман.

Қадрли бауырлар! Ўлы Абайдың «Татулықтан артық жолдас жоқ» деген қанатты сөзи бар. Қазоқ пен өзбектің қуанышы да, мұңы да, мақсат-мұраты да бір.

Аждодларимиз васият қилган қозоқ ва ўзбек халқларининг дўстлиги ва ҳамжиҳатлигини асраб-авайлаш – умумий бурчимиз.

Ўзбекстандағы Қазақстан жылын ашық деп жариялаймын! Ўзбекистонда Қозоғистон йилини очиқ, деб эълон қиламан!

ЎЗБЕКИСТОНДА ҚОЗОҒИСТОН ЙИЛИ ОЧИЛДИ

«1 «Ўзбекистон» халқаро анжуманлар саройида 15 апрель куни Ўзбекистонда Қозоғистон йилининг расмий очилиш маросими бўлди.

Президент Шавкат Мирзиёев ва Президент Қосим-Жомарт Тоқаев нутқ сўзладилар. Давлат раҳбарлари Қозоғистонда Ўзбекистон йили доирасида фаоллашган маданий-гуманитар алоқалар халқларимизни янада яқинлаштиришга таъкидладилар. Мазкур йирик тадбир халқларимиз ўртасидаги ҳамкорликни мустақамлаш, азалий дўстликни улғашдек муштарак мақсадларга эришишда муҳим ўрин тутишини қайд этдилар.

Ўзбекистонда Қозоғистон йилининг очилиш стратегик шериклик муносабатлари тобора мустақамлашиб, ишонч ва эзгулик руҳида ўтганини, икки томонлама муносабатларнинг муҳим масалалари, ўзаро манфаатли минтақавий ва халқаро аҳамиятга молик долзарб муаммолар муҳокама қилинганини алоҳида таъкидладилар. Ташриф чоғида Ўзбекистон ва Қозоғистон Президентлари ўртасида эришилган келишувлар, имзоланган ҳужжатлар мамлакатларимиз ҳамкорлигини янги сифат босқичига олиб чиқиши қайд этилди.

Куннинг иккинчи ярмида Қозоғистон Республикаси Президенти Қосим-Жомарт Тоқаев Ўзбекистон Республикаси Бош вазири Абдулла Арипов ҳамроҳлигида Мустақиллик майдонига ташриф бурди. Олий мартабали меҳмон хурриятимиз, порлоқ истиқболимиз ва эзгу ниятларимиз раъзи бўлган Мустақиллик ва эзгулик монументига гул қўйди.

Матназар ЭЛМУРДОВ, ЎЗА муҳбири

доирасида ўтказиладиган тадбирлар қардош халқларимиз маданий алоқаларини янада мустақамлашгани қайд этди.

Ўзбекистон Республикасида Қозоғистон йили очик, деб эълон қилинди.

Маълумки, Қозоғистонда 2018 йилда кенг нишонланган Ўзбекистон йили доирасида иқтисод, туризм ва маданий-гуманитар соҳаларда кўплаб тадбирлар, маърифий учрашувлар, турли фестивал ва ижодий кечалар ўтказилди. Икки мамлакат санъат намоёндаларининг ўзаро ташрифлари амалга оширилди. Ўзбек Миллий академик драма театри, Навоий вилояти ижодий жамоаларининг гастроль сафарлари қўшни Қозоғистон вилоятларида катта қизиқиш билан қарши олинди.

Бугунги кунда мамлакатларимиз олий таълим тизимида ҳамкорликка оид 50 дан зиёд битим ва келишувлар амал қилади. Мамлакатимиздаги 400 га



кистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Миллатлараро муносабатлар ва хорижий мамлакатлар билан дўстлик алоқалари қўмитаси ва Қозоғистон халқ ассамблеяси ўртасида ҳамкорлик тўғрисида меморандум имзоланди. Бу икки мамлакат ҳудудида ўзбек ва тарғиб қилиш тўғрисидаги ҳамкорликни амалий мазмун билан бойитиш имконини берди.

Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг 2018 йил 13 мартда «Буюк қозоқ шоири ва мутафаккири Абай Қўнонбоев ижодий меросини кенг ўрганиш ва тарғиб қилиш тўғрисида»ги қарори қабул қилинди. Шунинг баробарида Қозоғистонда сўз мулкларининг сўлтони Алишер Навоий таваллудининг 577 йиллиги катта тантана қилинди. Бу адабиёти ва маданияти бир дарёдан сув ичган, азалдан қавм-у қариндош бўлган халқларимиз ҳаётидаги муҳим воқеадир. Мамлакатимизда Қозоғистон адабиёти ва маданияти марказининг очилиши эса ушбу соҳадаги ҳамкорлик бардаволигининг яна бир тасдиғи бўлди.

Дўстона муносабатларни мустақамлашда Ўзбекистон – Қозоғистон парламентлараро дўстлик гуруҳлари ҳам муҳим аҳамият касб этмоқда. Хусусан, 2018 йил ноябрь ойида икки мамлакат парламентлари қуйи палаталари ўртасида ҳамкорлик меморандуми имзоланиши қонун ижодкорлиги муносабатларида янги даврни бошлаб берди. Бу, ўз навбатида, савдо-иқтисодий, ижтимоий-гуманитар соҳалардаги ҳамкорликнинг ҳуқуқий асосларини мустақамлашда муҳим омил бўлаётир.

Мамлакатимизда Қозоғистон йилига катта тайёргарлик кўрилди. Унинг доирасидаги тадбирлар санъат, фан, таълим ва тадбиркорлик соҳалари вакилларига ўзаро манфаатли алоқаларни йўлга қўйиш, билим ва тажриба алмашиш учун янги уфқлар очди. Маданиятларимиз бир-бирини бойитишига, халқларимиз янада яқин бўлишига хизмат қилади.

– Бу йил Ўзбекистонда Қозоғистон йилининг кенг нишонланиши ҳудудлар ўртасидаги маданият, ижтимоий-гуманитар ҳамкорликни сифат жиҳатдан янги босқичга олиб чиқади, – деди Қозоғистон Республикаси маданият ва спорт вазири Аристанбек Мухаме-диули. – Қўглаб маданий тадбирлар, икки мамлакат санъат усталари ва театр жамоаларининг гастроль сафарлари ташкил этилади.

Бутун дунёда мамлакатларимизнинг бой тарихи билан танишиш, бетакрор урф-одат ва анъаналарини ўрганиш, мезморий ёдгорликларни мисолида асрий тамаддун ютуқларидан баҳраманд бўлиш истағида бўлган сайёҳлар сони йил сайин ортиб бормоқда. Шу боис ҳам бугун туризм соҳасидаги ҳамкорлик биз интилаётган муҳим йўналишлардан бири бўлиб қолмоқда.

Ўзбекистонда Қозоғистон йили доирасида ўтказиладиган қўшма тадбирлар ва лойиҳалар айна шу каби ҳамкорлик учун ҳам мустақам асос бўлиб хизмат қилади.

Очилиш маросими катта концерт дастури билан давом этди. Шу билан Қозоғистон Республикаси Президенти Қосим-Жомарт Тоқаевнинг Ўзбекистон Республикасига ташрифи якунланди.

З.ЖОНИБЕКОВ, У.ШОНАЗАРОВ, ЎЗА муҳбирлари

41 Афсуски, бугун дунёда носоғлом рақобат мавжуд, кучлиларнинг бозорлардан заифларни сиқиб чиқариш ҳоллари кучаймоқда, рақибларни кучсизлантириш мақсадида турли санкцияларни қўллаш ва бошқа шу каби салбий ҳолатлар кузатишмоқда.

Улар бугунги куннинг янги қаҳриқларини ва таҳдидларига айланди ва биздан тўғри ва оқилона чоралар кўришни талаб этмоқда.

Ўзбекистонда сўнги 2,5 йил ичида барча йўналишлар бўйича кенг қўламли янгиланишлар содир бўлаётганини бутун дунё кўриб турибди. Иқтисодидан тортиб, ижтимоий соҳагача, давлат бошқаруви тизимини комплекс ислоҳ қилишдан тортиб, халқимиз маънавий ҳаётининг асосларини мустаҳкамлашгача бўлган йўналишларда кенг ислохотлар амалга оширилмоқда.

Ижозатингиз билан мамлакатимизнинг жадал ривожланиш суръатларини намоеён этувчи айрим маълумотларни келтирсам.

2018 йилда юртимизнинг ялпи ички маҳсулоти (ЯИП) ҳажми 5,1 фоизга ўсган. Аҳоли жон бошига ЯИМ ўтган йилгига нисбатан уч ярм фоизга ошган. Ўтган йилда аҳолининг реал даромадлари 20 фоизга кўпайди.

Бугунги кунда Ўзбекистонда улкан бунёдкорлик жараёни кечмоқда. Республикаимизнинг барча вилоятларида минглаб янги корхоналар, ижтимоий соҳа объектилари барпо этилмоқда, янгидан-янги уй-жойлар, йўللар, таълим ва тиббиёт муассасалари курилмоқда.

Иқтисодидеъни кредитлаш бир йилда 51 фоизга ўсди. Халқаро молия тузилмалари ва ҳамкор давлатлар билан амалга оширилаётган инвестицияларнинг умумий миқдори мустақиллик йилларида илк мартаба қарийб 70 миллиард АҚШ долларига етди.

Ижтимоий ҳимоя соҳасида ҳам чуқур ислохотлар амалга оширилаётган. Ялпи ички маҳсулотнинг қарийб 10 фоизи шу соҳага йўналтирилган.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Миромонович Мирзиёевнинг «Барча ислохотлар инсон ва унинг манфаатлари учун! Халқ давлат идораларига эмас, балки давлат идоралари халққа хизмат қилиши керак!» деган ташаббуси ягона устувор тамойилга айланди. Биз ўтган чорак аср давомида турғунликда бўлганимиз, халқимиз ҳаётини тубдан яхшилаш йўлида улкан имкониятлардан фойдаланмаганимизни тан олишимиз керак.

Сўнги икки ярим йилда Ўзбекистон-

Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси раиси Қудратилла Рафиқовнинг Халқаро касаба уюшмалари конфедерацияси кенгаши йиғилишидаги нутқи

нинг кўп миллионли заҳматқаш аҳолиси ҳақиқий маънодаги халқчил ижтимоий сиёсатни кўрди, десак муболаға бўлмайди. Президент ҳар бир раҳбар олдига, энг аввало, фуқароларнинг яшаш, меҳнат қилиш шароитларини ўрганиш ва уларни яхшилаш талабини қўймоқда. Иқтисодий жиҳатдан ҳали тўла қувватга чиқиб улгурмаган давлат учун икки ярим йилда минглаб но-чор оилаларни уй-жой билан таъминлаш, айниқса, ногиронлиги бўлган, боқувчи эга бўлмаган оилаларни бепул уй-жой билан таъминлаш, уларнинг маиший шароитларини яхшилаш, соғлиғини тиклаш, оилавий имкониятларини оширишга қаратилган бегараз ёрдамлар ҳажми мисли кўрилмаган, тарихда учрамаган рақамларни ташкил этади. Бу эса кўп йиллар давомида меҳнатга яраша ҳақ олиш имконидан мажбур бўлиб ноқобил сиёсат қурбонига айланган минглаб фуқароларни ҳаётга қайтарди. Биз ҳукумат томонидан олиб борилаётган бундай кенг қўламли ишларни кузатувчи сифатидагина кўрмадик, балки уларни рўйбга чиқариш ишларида бевосита иштирок ҳам этдик. Бу эса жамиятда ҳамжиҳатлик кайфиятини пайдо қилди.

Шу боис, мамлакатимизнинг энг оммавий ва салоҳиятли ташкилоти ҳисобланган Ўзбекистон касаба уюшмалари мамлакат раҳбариятининг 33 миллион нуфузга эга бўлган халқимиз фаровонлиги йўлида ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришни жадаллаштириш сиёсатини тўла қўллаб-қувватлайди.

Биз Ҳукумат, Савдо-саноат палатаси ва касаба уюшмалари Федерацияси ўртасида имзоланган уч томонлама Бош келишув ижросини ҳар йили кенг муҳокама қиламиз. Унда меҳнатқашларнинг қонуний манфаатларини ижтимоий ҳимоя қилиш бўйича томонларнинг мажбуриятлари аниқ белгилаб берилмоқда.

Бизнинг давлат ҳокимияти органлари ёки иш берувчиларга йўллаган бирон бир мурожаатимиз эътиборсиз қолмайди.

2018 йилда касаба уюшмалари орган-

ларида жисмоний ва юридик шахслардан 10 мингдан ортиқ мурожаат келиб тушган бўлса, уларнинг аксарияти ҳал қилинди ёки ҳал этилиш жараёнидадир. Ташкилотларимизга келиб тушаётган мурожаатларни кўриб чиқишда касаба уюшмалари Федерацияси ҳузурида ташкил этилган Юридик клиниканинг ўрни катта.

Мамлакатимиз раҳбариятининг сиёсий иродаси туфайли, касаба уюшмалари Федерациясининг бевосита иштирокида бугунги кунда Ўзбекистонда мажбурий ва болалар меҳнатига бутунлай барҳам берилди.

Ушбу чора-тадбирлар ҳақон ҳамжамияти томонидан маъқулланди. Хабарингиз бор, яқинда АҚШ Ўзбекистонни мажбурий ва болалар меҳнатидан фойдаланувчи мамлакатлар рўйхатидан чиқарди.

Бугунги кунда касаба уюшмаларининг мавжуд муаммоларни реал ҳал этишдаги фаол иштирок этиши ташкилот таъсири ва нуфузининг ошишига хизмат қилиб, олдимизда турган вазифаларни муваффақиятли ҳал этишимизга ёрдам бермоқда, деб бемалол айта оламиз.

Бу борада рақамлар ва ижобий далилларни кўплаб келтириш мумкин. Мисол учун, Ўзбекистон сўнги 2,5 йилда барча йўналишлар бўйича барқарор ривожланиш йўлига чиқиб олди.

Шу билан бирга, бажарилши керак бўлган ишлар ҳали кўп. Бизнинг тез ўсиб бораётган аҳолимизни мумкин иш ўрни билан таъминлаш олдимиздаги жиддий масалалардан биридир.

2018 йилда республика бўйича 372 мингдан зиёд янги иш ўрни яратилган. Лекин бу кам.

Ўзбекистон аҳолиси сони ошиши бўйича собиқ Иттифоқ ҳудудидаги энг юқори кўрсаткичларга эга мамлакатлардан биридир. Тўғилиш сонининг барқарор кўпайиши натижасида ҳар йили ярим миллион нафардан ортиқ киши меҳнат бозорига чиқмоқда.

Бу масала ҳақида мамлакатимизда

қатъий ва изчил ишларни амалга оширмоқдамиз. Ушбу муаммони ҳал этишда Россия Федерациясига ташқи меҳнат миграцияси асосий омил бўлиб қолмоқда. Жойларда ўзбекистонликлар учун зарур шароитлар яратиб берилаётгани учун Россия Ҳукумати, мамлакат касаба уюшмаларига, шахсан Михаил Викторович, сизга ва давлат ҳокимияти органларига миннатдорлик билдираемиз.

Улар ишлаб топган маблағлари ҳисобига ўз оилаларига ёрдам бериш имконига эга бўлишмоқда. Албатта, бу вақтинчалик ва иложсизлик натижасида қўрилган чорадир. Барча меҳнат мигрантлари аста-секин ўз оилалари бағрига қайтадилар.

Ўтган асрнинг 20-30 йилларидан юз минглаб нафар россияликлар Ўзбекистонга кўчиб бурганини жуда яхши эслаймиз. Уларни ўзбек заминидан қандай илиқлик ва меҳмондўстлик билан кутиб олганликлари ҳақида Александра Неверовнинг «Тошкент – нон шаҳри» номли ажойиб ҳикоясида баён қилинади. Халқларимизнинг кўп асрлик дўстлиги айнан мана шундай ўзаро алоқаларда намоён бўлади.

Ўзбекистон касаба уюшмалари Ўзбекистон – Россия муносабатларининг жадал ривожланишини тўла қўллаб-қувватлайди.

Давлатларимиз раҳбарлари стратегик ҳамкорлик ва иттифоқчилик муносабатларини ҳар томонлама мустаҳкамлаш, тенг ҳуқуқли ва ўзаро манфаатли муносабатларни йўлга қўйиш зарурлигини қайд этмоқдалар ва бу борада ўзлари ўрнатқан бўлмоқдалар.

Юқорида айтиб ўтганимдек, бугунги кунда Ўзбекистон барча ҳамкор давлатлар билан ҳамкорлик қилиш учун очиқ.

Марказий Осиё минтақасидаги кўшни мамлакатлар билан муносабатлар биз учун устувор йўналишлардандир. Бизнинг ҳар томонлама ва самарали ҳамкорлигимизга тўсқинлик қилган кўплаб тўсиқлар олиб ташланди.

Шунингдек, МДҲ бўйича бошқа биро-

дарларимиз билан муносабатларимиз ҳам фаол ривожланмоқда. Бундай алоқалар касаба уюшмалари органлари, хусусан, бизнинг Халқаро касаба уюшмалари конфедерацияси билан муносабатларимизни ҳам янада чуқурлаштиришни назарда тутди.

Ҳурматли дўстлар! Яна бир муҳим масалага тўхталиб ўтишни лозим деб топдим.

Сўнги йилларда МДҲнинг айрим мамлакатлари касаба уюшмалари органларига нисбатан «мустақил эмаслик», «чўнтакболик» ва ҳоказо турли хилдаги айбловлар қўйилаётганига гувоҳ бўлаемиз.

Бу ишларни ўзларини турли мамлакатларга босим ўтказиш ваколатига эга деб ҳисоблайдиган, ким томонидан ва нима мақсадларда тузилгани номаълум жамғармалар ва нодавлат ташкилотлари амалга оширмоқда.

Масалан, бугун Ўзбекистон Ҳукумати барча соҳалар бўйича комплекс ва чуқур ислохотлар дастурини амалга ошираётганини бутун дунё эътироф этмоқда.

Ушбу чора-тадбирлар мамлакатимиз касаба уюшмалари томонидан тўла маъқулланмоқда, қўллаб-қувватланмоқда.

Биздан эса қандай қилиб бўлмасин, камчиликлар топиш, фақат ва фақат танқидбозлик билан шуғулланиб юришимиз талаб этилмайди. Бунинг учун бирон-бир нодавлат ноҳукумат ташкилоти бизни олқишлайди. Бизга эса бунинг асло кераги йўқ. Чунки давлат ҳокимияти органларининг фаолияти касаба уюшмаларининг мақсад ва вазифаларига тўла мос келади.

Аксинча, биз инсонлар ҳаётини яхшилаш йўлидаги давлат дастурларининг амалга оширилишига ёрдам бермоғимиз керак, деб ҳисоблайман.

Агарда биз маълум бир муаммага дуч келадиган бўлсак, Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерациясининг фикрига қўлоқ тутадиган ҳокимият органларининг эътиборини шунга жалб қиламиз.

Биз жамиятда ижтимоий барқарорлик ва мамлакатнинг муваффақиятли ривожланиб боришини таъминлашга шу тарикқа кўмаклашамиз.

Биз мазкур долзарб муаммонинг мақбул ечимини биргаликда топишимиз учун ушбу масала Халқаро касаба уюшмалари конфедерацияси эътибори марказида бўлиши керак, деб ўйлайман.

Сўзим якунида меҳнатқашларнинг қонуний ҳуқуқлари ва манфаатлари ҳимояси йўлидаги хайрли ишингизда муваффақиятлар тилайман.

Эълонлар

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 24 ноябрдаги «Қишлоқ аҳолиси ва фуқароларнинг айрим тоифалари учун арзон уй-жойлар қуришни кенгайтиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги ПҚ-4028-сонли қарори ижроси юзасидан қишлоқ жойларда аҳолининг кенг қатламларини замонавий ва шинам уй-жой билан таъминлаш мақсадида

«ҚИШЛОҚ ҚУРИЛИШ ИНВЕСТ» МАСЪУЛИЯТИ ЧЕКЛАНГАН ЖАМИЯТИ ИНЖИНИРИНГ КОМПАНИЯСИ

2019 йилда қишлоқ жойларда янгиланган намунавий лойиҳалар бўйича арзон уй-жойлар қурилиши учун пудрат ташкилотларини танлаш юзасидан тендер савдоларини эълон қилади:

№ 2019-11

Тендер савдолари эълон қилинган сана: 2019 йил 16 апрель

Тендер таклифларини тақдим этиш учун охириг мuddат: Эълон чоп этилган санадан 30 кундан сўнг

Қишлоқ жойларда қуриладиган янгиланган намунавий лойиҳалар асосидаги уй-жойлар типлари.
1-тип: Тўрт қаватли кўп квартирали (2, 3 хонали) уйлар;
2-тип: 0,02 га ўлчамли ер участкаларида жойлаштириладиган бир қаватли 3 хонали уйлар;
1. Тендер иштирокчилари қуйида санаб ўтилган ҳар бир тендер пакетлари учун муҳрланган танлов таклифларини киритишлари мумкин.
2. «Қишлоқ қурилиш инвест» МЧЖ ИК («Буюртмачи») ҳуқуқий ваколатга эга бўлган тендер иштирокчиларининг қуйида келтирилган шартномалар бўйича янгиланган намунавий лойиҳалар бўйича уй-жойлар қурилишини амалга ошириш учун («Қурилиш ишлари») муҳрланган танлов таклифларига

5. Тендер ҳужжатларининг нусхасини олиш учун тендер иштирокчилари қуйидаги тартибда юқорида кўрсатилган манзил бўйича мурожаат қилишлари мумкин:
«_____ вилояти, _____ тумани, _____ массивидаги, _____ лот _____ та яқна тартибдаги уй-жойлар қурилишини амалга ошириш учун тендер ҳужжатларини беришингизни сўрайман.» шаклида юқоридаги манзил-

Тендер ҳужжатлари қуйидаги тартибда тақдим этилиши лозим.
Юқорида кўрсатиб ўтилган ҳудудий консалтинг марказларига.

Таклифларни тақдим этиш сўнги мuddатига: Шартномалар рўйхатида кўрсатиб ўтилган вақтгача. Тендер ҳужжатларида кўрсатилган тартибда декларация тақдим этиш.

ИЗОҲ: 1. «Ishonch» газетасининг 2019 йил 12 мартдаги №33(4162) сонда «Қишлоқ қурилиш инвест» МЧЖ инжиниринг компанияси томонидан берилган эълондаги «2019 йилда қишлоқ жойларда янгиланган намунавий лойиҳалар бўй-

рини киритишларини таклиф қилади.
3. Тендер савдолари Ўзбекистон Республикаси Вазиrлар Маҳкамасининг 2017 йил 26 апрелдаги 243-сонли қарори билан тасдиқланган Низомга мувофиқ ўтказилади.
4. Тендер иштирокчилари қўшимча маълумот олиш ва тендер ҳужжатлари билан танишиш учун Қурилишда танлов савдолари ва нархларни шакллантириш ҳудудий консалтинг марказларига қуйида кўрсатилган манзиллар бўйича мурожаат қилишлари мумкин:

Сурхондарё вилояти
Манзил: Термиз шаҳри, Тараққиёт кўчаси, 42-уй
Телефон: (0 376) 223-44-73 Факс: (0 376) 223-44-78

ларга ёзма ёки электрон шаклда мурожаат қилиш лозим.
Тендер ҳужжатларини эълон берилган кундан бошлаб барча иштирокчилар олишлари мумкин.
Кейинчалик қайтариб берилмайдиган пул тўлови тендер ташкилотчиларининг – Қурилишда танлов савдолари ва нархларни шакллантириш ҳудудий консалтинг марказларининг тегишли бўлимлари банк ҳисобрақам-

Сурхондарё вилояти
Банк: «Ҳамкор банк» АТБнинг Термиз филиали
ИНН: 202 574 427
х/р: 2021 0000 504 272 552 001

Тендер таклифларининг очилиши таклифлар тақдим этишнинг охириг кунда тендер савдоларида қатнашиш истагини билдирган барча ташкилотлар иштирокида қуйида келтирилган манзилда ўтказилади:

Сурхондарё вилояти ҳокимияти
Манзил: Термиз шаҳри, Тараққиёт кўчаси, 42-уй
Телефон: (0 376) 223-44-73 Факс: (0 376) 223-44-78

ича арзон уй-жойлар қурилиши учун пудрат ташкилотларини танлаш юзасидан тендер савдолари №2019-09-даги Сурхондарё вилояти Сароисиё туманидаги: Лот №525, 527, 528 ва 529 даги 32 та уйга берилган эълон бекор қилинади ҳамда

Қўшимча маълумотлар учун «Қишлоқ қурилиш инвест» МЧЖ ИКнинг ҳудудий филиалларига мурожаат қилишлари мумкин. Тендер савдоларида қатнашиш истагини билдирган ташкилотлар, қурилиш ташкилотлари қуйидаги талабларга жавоб беришлари лозим:

Уй типлари	Бир донга уй (хонадон) учун талаб этилади:				
	Талаб этиладиган йиллик ўртача айланма маблағ (сўм)	Қурилиш малакаси ўхшаш ҳажм ва характердаги шартнома (сўм)	Сўнги бир йил давомида бажарилган ер ишлари ҳажми м³	Сўнги 3 йилда қуриб битирилган уйлар майдони м²	
0,02 га ўлчамли ер участкаларида жойлаштириладиган бир қаватли 3 хонали уйлар	150 000 000	120 000 000	30	50	120
Тўрт қаватли кўп квартирали (2, 3 хонали) уйлар	2 400 000 000	1 920 000 000	360	600	1440

Лот №	Худуд	Қишлоқ аҳоли пункти номи	Хонадон сони	Кўп қаватли 2-3 хонали уйлар		Бир қаватли 3 хонали уйлар (0,02 га.)		Таклифларни топширишнинг охириг мuddати
				сон	хонадон	сон	уй рақами	
Сурхондарё вилояти								
551	Сариоисиё	Сангардак	8			32		2019 йил 16 май 11:00
552	Сариоисиё	Сангардак	8				8	1-8. 2019 йил 16 май 11:00
553	Сариоисиё	Сангардак	8				8	17-24. 2019 йил 16 май 11:00
554	Сариоисиё	Сангардак	8				8	25-32. 2019 йил 16 май 11:00

Лот № 523, 524, 526, 530, 531, 532 - 533 даги 33-85 рақамли уйлар рақами мос равишда 1-53 дёб ўқилишини маълум қилади.
2. «Ishonch» газетасининг 2019 йил 4 апрелдаги №44 (4173) сонда «Қишлоқ қурилиш ин-

вест» МЧЖ инжиниринг компанияси томонидан берилган эълондаги «2019 йилда қишлоқ жойларда янгиланган намунавий лойиҳалар бўйича арзон уй-жойлар қурилиши учун пудрат ташкилотларини танлаш юзасидан тендер савдолари № 2019-10»даги Самарқанд вилояти Пастдаргом туманидаги: Лот №534, 535 ва 536 даги 20 та уй бўйича «Ўзбекистон» қишлоқ аҳоли пункти номи «Олтиқарвмон» дёб ўқилишини маълум қилади.



Самарқанд вилояти

Танлов

Ёш банкирлар беллашуви

«Фаол инвестициялар ва ижтимоий ривожланиш йили» Давлат дастури доирасида Самарқанд вилоятидаги ёш банк ходимлари ўртасида касбий маҳорат танлови ўтказилди.

Бир неча босқичли мусобақада «Энг иқтидорли ёш банк ходими – 2019» кўрик-танлови ғолиби аниқланди.

Самарқанд шаҳридаги ёшлар марказида уюштирилган тадбирда Марказий банк вилоят бош бошқармаси ҳамда 18 та тижорат банкнинг 30 ёшгача бўлган иқтидорли ёш ходимлари иштирок этди. Ёшлар савол-жавоб, калит сўзлар ёрдамида мантиқий жумлалар тузиш ҳамда эркин мавзу шартлари бўйича ўз билимларини синовдан ўтказишди.

Билим ва иқтидор беллашувида «Asia

Alliance bank» АТБнинг Самарқанд филиали ходими Жаҳонгир Дўстбеков гран-при совринига сазовор бўлди. Марказий банк вилоят бош бошқармаси ходими Бехрўз Худоев биринчи ўрин соҳиби деб топилди.

Мусобақа ғолибларига Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги давлат бошқаруви академияси, Марказий банк, Ўзбекистон касба уюшмалари Федерацияси, Ўзбекистон ёшлар иттифоқи Марказий Кенгаши ҳамда Самарқанд вилояти ҳокимлигининг совғалари топширилди.

Феруза ҚИЛИЧЕВА,
Давлат муассасалари ва жамоат хизмати ходимлари касба уюшмаси Самарқанд шаҳар кенгаши раиси

Тадқиқот

Мамлакатимиздаги демографик вазият ҳақида гап кетганда, албатта, оилавий ажримлар тилга олинади. Чунки демографияга салбий таъсир кўрсатувчи оилавий ажрашлар сони ортиб бормоқда. Ёш оилаларни қўя турайлик, биргина ўтган йилнинг дастлабки чорагида «Олтин тўй» босқичидан ўтган, яъни 50 йил бирга яшаган 23 оиланинг никоҳи бекор қилинган. Бундан ташқари, 60 йилдан ортиқ бирга умргузаронлик қилган 6 та оила ажрашиб кетган.



ХАЛҚ БАНКИ:

«Ўзэкспомарказ» миллий кўргазмалар мажмуасида жорий йилнинг 11-13 апрель кунлари «BankExpo-2019» банк-молия хизматлари, усқуналари ва технологияларининг миллий кўргазмаси бўлиб ўтди. Унда мамлакатимизнинг йирик универсал банки – Халқ банки ҳам фаол иштирок этди.

Ишончли ва барқарор фаолият эътирофи



Реклама ҳуқуқи асосида



Кўргазма павильонида ташкил этилган Халқ банки стендида кўплаб мижозлар, жумладан, ёш тадбиркорлар, олий таълим муассасалари талабалари, юртимиз аҳолиси ва меҳмонлари катта қизиқиш билдирди. Улар банкнинг малакали мутахассисларидан маслаҳатлар, саволларига жавоблар олишди, шунингдек, банк хизматлари ҳақидаги материаллар тарқатилди.

Таъкидлаш жоизки, ушбу кўргазма доирасида Халқ банкнинг худудлардаги энг яхши саккиз нафар мижози банкнинг махсус ташаккурнома ҳамда эсталик совғалари билан тақдирлангани барчага ўзгача кайфият улашди.

Молия муассасасининг фаолияти иштирокчиларнинг алоҳида эътирофи сазовор бўлиши бежиз эмас, албатта.

Халқ банки юртимизда фаол тадбиркорлик субъектларини мо-

лиявий кўллаб-қувватлаб, уларга бизнес юриштишлари учун зарур шарт-шароитлар яратиш борасида эътирофга лойиқ ишларни амалга оширмоқда.

Айни вақтда юртимизнинг барча туман ва шаҳарларида банкнинг 197 та филиал, 30 та минибанк, 680 та чакана амалиёт касаси, 206 та халқаро пул ўтказмалари шохбаси, 140 дан ортиқ банккомат, қарийб 30 минг 200 донга тўлов терминали мижозлар учун хизмат кўрсатиб келмоқда.

2019 йилнинг 1 апрель ҳолатига банкнинг жами капитали 1957,91 миллиард сўми, устав капитали эса 1779,07 миллиард сўми ташкил этмоқда. Банкнинг жами активлари 9739,04 миллиард сўм, кредит портфели эса 4999,15 миллиард сўмга етди. Аҳолидан жалб қилинган омонатлар миқдори 3903,43 миллиард сўми, депозитлар қолдиги эса 4601,35 миллиард сўми ташкил қилмоқда.

Банк жамоаси аҳоли учун қулайлик ва энгилликлар яратиш борасида изланишлар олиб бораётир. Хусусан, Президентимизнинг 2017 йил 13 мартдаги «Пенсия ва нафақалар тўлаш механизмининг янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорига асосан пенсия ва нафақалар Халқ

банкни томонидан аҳолига нақд пул кўринишида, ҳар ойнинг 27 санасигача етказиб берилмоқда.

Давлатимиз раҳбарининг 2018 йил 27 июндаги «Ёшлар – келажакимиз» Давлат дастури тўғрисидаги фармони ижроси доирасида ёш тадбиркорларга 5 йилгача бўлган муддатга йиллик 7 фоиз ставкада имтиёзли кредитлар ажратилиши белгиланган бўлиб, бугунги кунга қадар 1,4 мингдан зиёд ёш тадбиркорга 160,9 миллиард сўм сармоя берилиб, 3 845 та янги иш ўрни яратилди.

Ёшлар иттифоқи Марказий Кенгаши ва АТ Халқ банки бошқаруви ўртасида имзоланган қўшма қарорга асосан Ёшлар иттифоқининг тегишли тавсияномаларига асосан 250 га яқин тадбиркорга 45,7 миллиард сўмлик кредитлар ажратилиб, 478 та янги иш ўрни яратилди.

«Ҳар бир оила – тадбиркор» давлат дастурини амалга ошириш мақсадида жисмоний шахсларга уй шароитида тадбиркорлик билан шуғулланиш учун 3 йил муддатгача 6 ойлик имтиёзли давр асосида энг кам иш ҳақининг 150 бараваригача

бўлган миқдорда, давлат рўйхатидан ўтган тадбиркорлик субъектларига эса лойиҳанинг ўзини қоплаш давридан келиб чиққан ҳолда 3 йилдан 5 йилгача бўлган муддатга энг кам ойлик иш ҳақининг 1000 бараваригача бўлган миқдорда йиллик 8 фоиз ставкада имтиёзли кредитлар йўналтирилиб келинмоқда. Жорий йилнинг ўтган даври мобайнида шу мақсад учун 405,3 миллиард сўм миқдордаги имтиёзли сармоя ажратилди.

Молия муассасаси сўнгги йилларда жаҳон тажрибасидан келиб чиқиб, энг замонавий банк хизматларини йўлга қўймоқда. Мисол учун, банкда ҳисобрақам очиш, корпоратив мобил банкнинг ҳамда Интернет банкинг хизматлари мутлақо бепул амалга оширилмоқда. Шунингдек, мижозлар учун 24/7 режимда ишлар ташкил этилган. Яъни энди Халқ банки мижозлари ҳафтасига етти кун исталган пайти ҳисобрақамдаги маблағларни филиал рухсатсиз бошқа рақамга (Халқ банки мижозига) эркин тасарруф этиши мумкин.

Халқ банкнинг кейинги йилларда эришаётган молиявий барқарорлик ва юқори ўсиш суръатлари халқаро нуфузли ташкилотлар томонидан юксак эътирофларга сазовор бўлаётгани эътиборга лойиқдир. Хусусан, Жаҳоннинг энг нуфузли халқаро рейтинг компанияси – «Standard & Poors» агентлиги В+/В, БАҚҚАРОП, шунингдек, миллий «Ахбор» рейтинг агентлиги доимий равишда «УЗА», БАҚҚАРОП даражаси билан банк фаолиятини ишончли ва истиқболли, дея юксак баҳолаб келмоқда.

Зиёбек ИСМОИЛОВ,
«ISHONCH»



Хизматлар лицензияланган

Ҳикмат

Ҳаракат назария ва амалиётнинг жонли бирлигидир.

АРАСТУ

МУАССИС:



2007 йил 11 январда Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 116-рақам билан рўйхатга олинган.

Бош муҳаррир
Хусан ЭРМАТОВ

Бўлимлар:
Касаба уюшмалари ҳаёти – (71) 256-64-69
Ҳуқуқ ва халқаро ҳаёт – (71) 256-52-89
Миллий-маънавий қадриятлар ва спорт – (71) 256-82-79
Хатлар ва муҳбирлар билан ишлаш – (71) 256-85-43
Маркетинг ва обуна – (71) 256-87-73

www.ishonch.uz сайти орқали Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармон ва қарорлари, энг сўнгги янгиликлар, таҳлилий, танқидий мақолалар, хабарларнинг тўлиқ матни билан танишишингиз мумкин.

Манзилими:

100165, Тошкент шаҳри,
Бухоро кўчаси, 24-уй.
E-mail: xatlar@ishonch-doverie.uz

Газета ҳафтанинг сешанба, пайшанба ва шанба кунлари чиқади.
Газета «ishonch»нинг компьютер марказида терилди ва саҳифаланди.

«Sharq» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида чоп этилди. **Корхона мақли:** Буюк Турон кўчаси, 41-уй.

Тахририй ҳисобрақам:

2021 0000 0004 3052 7001,
АТИБ «ipoteka bank» Яшнобод филиали,
банк коди: 00959, СТИР: 201133889, ОКЭД: 58130

Ҳудудлардаги муҳбирлар:

Қорақалпоғистон Республикаси – (+998-99) 889-90-22
Андижон – (+998-99) 889-90-23
Бухоро – (+998-99) 889-90-31
Жиззах – (+998-99) 889-90-25
Наманган – (+998-99) 889-98-02
Навоий – (+998-99) 889-90-28
Самарқанд – (+998-99) 889-90-26
Сирдарё – (+998-99) 889-98-55
Сурхондарё – (+998-99) 889-90-32
Фарғона – (+998-99) 889-90-24
Хоразм – (+998-99) 889-98-01
Қашқадарё – (+998-99) 889-90-27

Набатчи муҳаррир:

Х. Норбоев
Мусаҳҳир:
С. Шодиева
Саҳифаловчи:
Ҳ. Абдужалилов
ЎАА якуни – 01:50
Топширилди – 03:00

Газета офсет усулида, А-2 форматда босилди. Ҳажми 2 босма табоқ, Бюджетга Г – 417, 30112 нусхада босилди. Нашр кўрсаткичи: 133

«Ishonch»дан олинган маълумотларда маъна сифатида газета номи кўрсатилиши шарт. **Муаллифлар фикри тахририят нуқтаи назаридан фарқланиши мумкин.**